

Бугун фойдали иккита китобнинг тақдимотида қатнашдим



23:29 / 11.01.2022 1784

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида аллома Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг “Жомиъ аҳком ас-сиғор” асарининг ўзбек тилидаги илк нашри ва “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажиднинг “Йўл ҳаракати фиқҳи” китоби тақдимоти ўтказилди.

Иккала китоб ҳам жуда муҳим ва фойдали. Айниқса “Йўл ҳаракати фиқҳи” китобини имкон қадар кўпроқ одам ўқиши керак. Бу китоб ҳайдовчилар учун ҳам, пиёдалар учун ҳам бирдек фойдали бўлади. Айниқса, ҳар йили йўлларимизда минглаб инсонлар ҳалок бўлаётган бир пайтда китобнинг зарурияти жуда сезилади.

Мазкур китобда Қуръон ва ҳадисларда йўл ҳаракатига оид келган ҳукм ва одоблар, исломда транспорт воситаларига муносабат, ҳайдовчиликнинг шартлари ва шу мавзуга оид бошқа фикҳий маълумотлар ўрин олган.

Барчага ушбу китобни албатта ўқиб чиқишни тавсия қиламан.

[Онлайн буюртма бериш](#)

[Телеграм орқали буюртма бериш](#)

Ҳажми: 304 бет

Нархи: 33 000 сўм

Манба: @xushnudbek